Ушбу сонда:
2 Бекорчидан худо безор ДАЙДИ
3 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!
4 СПОРТ ЙЎРИҚЧИСИ штати қачон тикланади?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 январ, чоршанба №18 (1032)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





ТАШАББУС ГУРУҲИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг мазкур гурух аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг нутқи жойларда қунт билан ўрганилаётгани, қизғин баҳс ва мунозаралар уйғотаётганини таъкидладилар. Мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг бошини қовуштириш, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларнинг орзу умидлари ва дунёқарашини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида комил инсон этиб тарбиялаш, ўз салоҳиятига тўғри баҳо бериши ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун зарур шароит яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Анжуманда ана шундай кенг қамровли масалаларни ҳал этишга даъват этилган ижтимоий Ҳаракат ташаббускор гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Унинг раҳбари, ўринбосарлари, котиби сайланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низоми ва Дастури лойиҳалари муҳокама этилиб, асос учун қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ёшлари ўртасида Дастур ва Низом лойиҳалари муҳокамасини ўтказиш, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди. Йиғилишда, шунингдек ижтимоий Ҳаракатнинг иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

(ЎзА).

Денов мамлакатимиздаги аҳоли зич яшайдиган туманлардан. Шу боис ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоси туман мутасаддиларини анчадан буён ўйлантириб келарди.

МЕҲНАТ БИРЖАСИ ЯРМАРКАСИ

Яқинда ҳокимлик ва туманлараро прокуратура ташаббуси билан меҳнат биржаси ярмарка ўтказди. Меҳнат бозорига 300 дан зиёд ишсиз йигит ва қизлар, уларнинг ота-оналари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла оқсоқоллари, ички ишлар бўлимининг участка нозирлари, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарлари таклиф этилди.

Ҳокимлик масалани ҳар томонлама, пухта ўрганиб чиққани боис шу куни бу ерга ташриф буюрган ёшларнинг барчаси ишга йўлланма олди. Улар ёғ-экстракция заводида, Денов ва Хайроддаги пахта заводларида, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимида, саноат, қурилиш, маиший хизмат корхоналарида ишлайдиган бўлди.

(ЎзА).

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

Ҳар қандай давлат мустақиллигининг бир неча ишончли устунлари бўлади. Улардан бири — Куролли Кучларидир. Фақат қудратли армиягина Истиқлол эришган ютуқларни кўз қорачиғидек ҳимоя қила олади. «Куролли Кучларимизни тубдан ислоҳ этиш, барча зарур қуроллароғ ва техника воситалари билан таъминланган, тезкор, жанговар қобилияти юқори, ихчам, юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган армияни шакллантиришни тақозо этмоқда», — деган эди Республикамиз Президенти, Куролли Кучларимизнинг Бош Қўмондони Ислом Каримов.

Сиз бугун «Ишонч»нинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзуига бағишланган «Аввал Ватан, кейин — жон»дея номланган махсус саҳифасининг биринчи сонини ўқимоқдасиз. Таҳририятимиз ушбу туркум саҳифаларни мунтазам равишда бериб боришни мўлжаллаётир. Сиз, қимматли муштарийлардан биз билан ҳамкорлик қилишни, Ватанимиз мудофааси ва мудофаачиларига бағишланган мақола, таклиф ва мулоҳазаларингиз билан газетамиз саҳифаларида қатнашиб туришингизни илтимос қиламиз.

Ёшларни Ватан хизматига тайёрлаш борасида жойлардаги мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар катта ишларни олиб бормоқдалар. Давлатимиз ўз истиқлолини қўлга киритиши ва энди мустақил Куролли Кучларимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани муносабати билан мухбиримиз Қодиржон СОБИРОВ Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи, полковник С.ХОЛИҚНАЗАРОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.



ОНА ЮРТНИНГ УМИДИ СЕНДАН

дейди Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи полковник С.Холиқназаров

— Сирожиддин Мирзаҳамдамович! Ёшларимизни Ватан ҳимоясига тайёрлашда Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Куролли Кучларимизнинг мустақил бўлиши муносабати билан бошқарма тизимида, унинг иш фаолиятида қандай муҳим туб ўзгаришлар бўлаётир?

— Зиммамиздаги асосий бурчимиз, яъни она юртни кўз қорачиғидек асраш, йигитларимизни бу ишга шайлантириш масалаларига келсак, муқаддас вазифамиз ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. Фарзандлик масъулияти ўн чандон ортди. Ўғлонларимиз энди ўзларининг она тупроғини, оқ ювиб, оқ тараган Ватанини ҳимоя қилаётирлар. Бунинг ер билан осмонча фарқи бор, албатта. Мана шу қутлуғ тушунчани ёшларимизнинг мурғак қалбларига сингдира билиш, шу тушунчалар тимсолида Ватаннинг мард, жасур ўғлонларини тарбиялаб етиштириш кундалик ишимизнинг ўзагини ташкил этади.

— Кейинги пайтларда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг сон эмас, сифат даражасига кўпроқ аҳамият берилаётганлигидан яхши хабардормиз. Сиз ўсмирларимизни ҳарбий хизматга тайёрлаш жараёнида биринчи навбатда уларнинг қайси жиҳатларига эътиборни кучайтириш зарур, деган фикрдасиз?

— Энг аввало, юқорида тилга олингани каби, уларнинг фидойилигига, ватанпарварлигига, садоқатига, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» деган жанговар шиорни қай даражада юракларига жо қилиб олганликларига.

Иккинчидан, уларнинг жисмоний етуклигига. Сир эмаски, бизнинг қадим аждодларимиз ҳам ўз лашкарларини эл кезиб, норғул, бақувват, тоғни урса талқон қиладиган йигитлар сафидан танлаб олганлар. Мустақил давлатимизнинг Куролли Кучларида жисмонан камқувват, нимжон жангчиларга зарурат, эҳтиёж йўқ деган фикрдаман.

Учинчидан. Уларнинг билимига, айниқса техникавий жиҳатдан саводхонлигига. Замонамиз электроника, юксак техникалар замони. Бир нарсани унутманг: мустамлакачилик азобини бошдан кечирган йилларимизда Ўрта Осиёдан ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг аксарияти қурилиш батальонларида хизмат қилиб қайтишарди. Энди давр бошқа, мустақиллик даври бу. Биз йигирма биринчи асрга қадам қўйдик. Ҳозир ҳарбий техникани бошқариш, унга эгалик қилиш ҳатто оддий аскардан ҳам саводхонликни, бой билимни талаб қилади.

— Бугунги кунда армиямизни ислоҳ қилиш борасида кўп гаплар бўляпти. Бу ислоҳотлардан мудофаа ишлари бошқармалари ҳам четда қолмасалар керак?

— Албатта. Бу хусусда, масалан, бизнинг шаҳар бошқармамиз томонидан бир қанча таклифлар ишлаб чиқилди. Тез орада уларни ўз раҳбариятимиз диққат-эътиборига ҳавола қилмоқчимиз.

— Яқинда таҳририятимизга келган хатлардан бирида пойтахтимиздаги туманлар аҳолисининг бир гуруҳи ўз участка шифохонасидаги кардиолог, невропатолог, офтальмолог каби ноёб тиббий мутахассислар ҳар йили 4-5 ойлаб туман чақириқ комиссияларига жалб этилаётганликлари, шу туфайли одамлар уларнинг хизматидан маҳрум бўлиб, анча қийинчиликларга дучор бўлишаётганини ёзишибди...

— Бу жуда муҳим масала. У, юқорида қайд этганим каби, раҳбариятга йўллайдиган таклифларимизда ўз аксини топган. Бир сўз билан айтсак, бу нарса собиқ тузум ва унинг низом ҳамда қонун-қоидалари турмушимиздан ҳали ҳам ўрин олиб келаётганлигининг бир кўринишидир.

Айни кунларда республикамизнинг ҳамма жойларида ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар энг аввало туман мудофаа ишлари бўлимлари, кейин эса вилоят мудофаа бошқармаларида тиббий кўрикдан ўтадилар. Газетхонлар тўғри ёзганлари каби, туман мудофаа ишлари бўлимларига жалб қилинган шифокорлар ҳар чақириқда 2-3 ойлаб ўзларининг асосий ишларини ташлаб қўйишга мажбур бўлишади. Уларнинг маошига давлат қўшимча равишда 30 фоиз ҳақ тўлаши ҳақида эса айтмай қўя қолайлик.

Ҳарбийга чақирилувчи ёшлар шундан кейин, иккинчи босқичда ҳам вилоят мудофаа ишлари бошқармаларида айнан ана шундай тиббий кўрикдан ўтишга мажбурдирлар. Қисқача айтганда, бир иш икки маротаба такрорланади.

Шу муносабат билан биз ўз таклифларимизда чақирилувчиларни туман мудофаа ишлари бўлимларида тиббий текширувнинг фақат тайёргарлик босқичидангина (айтайлик, турли хил анализлар топшириш, флюрография ва ҳоказо) ўтказиш, уларнинг шахси ва оилавий шароитини ўрганиш, асосий текширувни эса вилоят мудофаа ишлари бошқармаларининг тиббий кўригида юқори малакали мутахассислар ёрдамида амалга ошириш ҳақидаги масалани кўтардик.

(Давоми 3-бетда).

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЦЕХ

Қоракўл туманидаги «Куртак» фирмаси Э.Раҳимбердиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи 50 нафар аёлни иш билан таъминлади. Фирма туман ип-йигирув фабрикасидаги ишлатилмаётган дастгоҳларни хўжаликдаги бўш ётган бинога келтириб, кичик цех ташкил қилди. Шу зайлда дастгоҳлар яна фойда келтира бошлади, хотин-қизлар эса муқим иш жойи билан таъминланди. Қаровсиз ётган бино ҳам таъмирланиб, кўркам ва обод масканга айлантирилди. Янги цехда йигирилаётган ишлар ҳам харидоргир бўлмоқда.

Бор бўл, оқибат!

НОГИРОНЛАРГА бепул хизмат

Халқимиз савоб йўлида муҳтожлар, кексалар ва гўдаклар, ногиронларга ғамхўрлик қилиш, меҳр-мурувват кўрсатишни фарз деб билади. Биз буни ҳар бир ўзбек оиласи мисолида яққол кўришимиз мумкин. Жиззахдаги «Баққоллик» жамияти раиси Ҳасан Мўминов, «Ором» жамоа корхонаси раҳбари Рахматулла Умматов, «Ҳалима» жамоа корхонаси бошлиғи Фарҳод Искандаров, «Сарбон» жамоа корхонаси раҳбари Баҳром Қобиловлар ҳам ана шундай саховатпеша инсонлардан.

Улар Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган пурҳикмат сўзларига амал қилган ҳолда кўплаб хайрия тадбирларига бош қўшмоқдалар.

— Туманимизда 3 минг нафардан зиёд ногирон истиқомат қилади, - дейди туман ногиронлар жамияти раиси Эргаш Мирсолиев. — Уларни қалби меҳр-мурувват билан тўлиб-тошган инсонлар, корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар, фермер ва тадбиркорлар ўз оталиқларига олганлар. Ҳозирда 41 нафар уруш ногирони, 10 нафар байналмилал жангчи, 22 нафар ҳарбий хизмат ногирони, 50 нафардан ортиқ етим болалар уларнинг беминнат ёрдамларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Туманда 7 та маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси фақат ногиронлар учун хизмат қилади. Шу вақтгача 146 нафар ногиронларнинг ғалласи имтиёзли равишда тегирмондан ўтказилиб, ун қилиб берилди. Улардан 67 нафарининг таъмирга муҳтож радио ва телевизори арзон нархларда таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, сартарошхона ҳам бепул хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг пойабзал, транспорт камераларини бепул таъмирдан чиқариш йўлга қўйилган. Ёрдам сўраб мурожаат этган ҳар бир кишининг аризаси эътибордан четда қолмаётир. Хусусан, Ғаллаорол шаҳрининг «Бахт» маҳалласида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Олтиной Иброҳимованинг аризаси атрофлича ўрганиб чиқилиб, унинг уйи туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 62-механизациялашган кўчма қурилиш жамланмаси томонидан таъмирлаб берилди. Сарф-харажат 102 минг сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари ногиронлардан Лапас Муҳаммадиев, Пўлат Товбоев, Яков Лилар электр қувватидан имтиёзли фойдаланмоқдалар. Шунингдек, 3 нафар ногиронга газдан, 8 нафар фуқарога ичимлик сувидан фойдаланганлиги учун тўловларни тўлашда имтиёз яратиб берилди.

Уларнинг ҳолидан хабар олиш, дори-дармонлар харид қилишда кўмаклашиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда бўлаётгани айниқса, диққатга сазовордир.

Алибой ЭРГАШЕВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг ўтган йил 26-декабр сонида «Кутубхонами ё музхона?» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада Ғузор туманидаги айрим маданий-маърифий муассасалар ва айниқса, касб-ҳунар лицейида қишга тайёргарлик ишлари қониқарсизлиги танқид қилинган эди.

Таҳририят газетанинг ушбу чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб хатини олди:

— Мақолада кўрсатиб ўтилган далиллар бошқарма тасарруфидаги барча ўқув муассасалари ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ҳамда ўз вазифасига совуққонлик билан қараган мутасаддиларга раҳбар ва ходимларга нисбатан чоралар кўрилди.

Ҳақиқатан ҳам Ғузор касб-ҳунар лицейида маблағ ўз вақтида молиялаштирилмагани сабабли ёқилғи таъминотида узилишларга йўл қўйилган. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида белгиланган 55 тонна суюқ ёқилғи олиб келинди. Айни пайтда ўқув биноси ва ётоқхона иситилмоқда. Мақолада тилга олинган бошқа муассасалар биноларидаги камчиликларни тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Р.РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.

Жамоа шартномасига ўзгартиришлар киритдик. Жумладан, цехларда ишловчи хотин-қизлар учун 6 соатли иш куни жорий этилди. Ҳар бир ходим ва ишчи таътилга чиқишда бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот ва 5 кундан 15 кунгача қўшимча пулли таътил олади.

Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларга ҳар ойда 4900 сўмдан овқат пули, ҳар чоракда энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида ёрдам пули берилаётир.

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ

Бирлашмамизда тез-тез ҳашар уюштириш анъанага айланган. Улардан тушган маблағ касаба уюшма қўмитамиз ҳисобига ўтказилади. Бу маблағлар эса туғилган кун, тўй ва бошқа тадбирларда ходимларга моддий ёрдам сифатида берилади.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аёлларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида пухта ўйланган ишларни бошлаб юбордик. Мавжуд ишлаб чиқариш цехларини кенгайтириб, макарон ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш тараддудидамиз. Натижада яқин кунларда яна 15 та иш ўрни яратилади.

Раҳима РАСУЛОВА,
Узун туман «Дўстлик» ҳиссадорлик бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Ижтимоий ҳимоя

ЎҚИТУВЧИЛАР КАЙФИЯТИ

Ёш авлодни билимли қилиб тарбиялаш биринчи навбатда ўқитувчига боғлиқ. У ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши учун эса моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши зарур. Буни доимий эътиборда тутган тармоқ қўмитамиз фаоллари ўз вазифаларини масъулиятни ҳис этган ҳолда бажаришга интилмоқдалар.

Ҳа, ўқувчиларга пухта билим бериш, кўп жиҳатдан устознинг кайфияти ва саломатлигига боғлиқ. Бу борада қўмитада ўрнак олса арзигулик анъана мавжуд. Яъни, ҳар бир ходим уч йилда бир марта республика ва вилоят миқёсидаги сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатлигини яхшилайди. Ўтган йилда 55 нафар ўқитувчи «Турон», «Ботаника», «Чинобод», «Бўстон» сиҳатгоҳларида, 300 нафарга яқин муаллим «Жайронхона», «Сурхон», Абу Али ибн Сино номидаги, «Ҳазорбоғ» санаторий-профилакторийларида, шунингдек, Ҳисор тоғ тизмалари этагидаги «Хонжиза» дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришди.

Касаба уюшма қўмитасига ўтган йили 40 нафар муаллим моддий ёрдам сўраб мурожаат этган эди. Аризалар ижобий ҳал этилди. Розия Аҳмедова, Шавкат Имомов, Ҳасан Хўжанов, Ойнабод Шосаламатоваларга моддий ёрдам кўрсатилди. Халқ таълими соҳасида узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан устоз педагог Сожида Жўраевага касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 6000 сўм моддий ёрдам берилди.

Вазифамиз — ҳар бир аъзомизни имкониятдан келиб чиққан ҳолда ижтимоий ҳимоя қилишдир. Биринчи навбатда уларга намунали иш шароитларини яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Оталиқ ташкилотлар ёрдами билан мактабларни тўлиқ таъмирдан чиқардик. Бунинг учун 180 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Барча бошланғич қўмиталаримизда спортнинг 5 тури бўйича мусобақалар ўтказдик. Ғолиблар мукофотланди ва туман биринчилиги мусобақаларига йўлланма олишди. Ушбу тадбирларга 240 минг сўм, спорт жиҳозлари олишга 200 минг сўм ажратдик. Ҳар байрамда ходимларни рағбатлантириш учун қўмитамиз ҳисобидан 100 минг сўм ажратмоқдамиз.

Ўрозмамат ҲИММАТОВ,
Ангор туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

Савол: Биз якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олишга ариза бериб, керакли ҳужжатларни расмийлаштириб ваколатли комиссия кўригидан ўтказиб тайёрлаб топширганимизга икки йил бўлди. 2001 йил 9 январда туман ҳокимига мурожаат қилганимизда; «Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил августдаги қарори билан ер бериш фақат аукцион йўли билан амалга оширилади», деган жавоб олдик.

Шу масалага ойдинлик киритишга ёрдам берсангиз.

У.Дадажонов,
О.Ҳожиев,
Косонсой туманидаги Мажид Ҳомидов номли мактаб ўқитувчилари.

Жавоб: Президентимизнинг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонига биноан мактаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячиларининг ижтимоий-маиший ва моддий шароитларини яхшилаш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган:

— Мактаб ўқитувчилари ва болалар уйлари тарбиячиларига улар яшаб турган давлат ҳамда идораларга қарашли уйлар ва квартираларни шахсий мулк сифатида бепул берилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари ходимларга биринчи навбатда ер участкалари ажратиш ва якка тартибда уй қуриш учун бинокорлик материаллари сотиб олиш белгиланган. Бу имтиёзлар камида 10 йил педагоглик иш стажига эга бўлган мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари бўлган пенсионерларга ҳам жорий этилган.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу Фармон асосан ўқитувчилар ва болалар уйи тарбиячиларининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, ёш авлоднинг уйғун камол топиши учун зарур шарт-шароит яратиш вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжалиги раҳбарларининг асосий бурчи ҳисобланади. Фармонни рўёбга чиқариш билан боғлиқ харажатларни республика ва маҳаллий бюджетлар маблағи ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Сиз якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси олишга тўла ҳақлисиз.

«ЎЗБЕГИМ» ИШ БОШЛАДИ

Марҳаматлик тадбиркор Ҳанифахон Ҳайдарова бюджетдан ташқари ижтимоий ҳимоя ва бандлик фондининг 540 минг сўмлик имтиёзли кредитини олиб, «Ўзбегим» кўптармоқли фирмасини ташкил этди.

Дастлаб у чорвачилик билан шуғулланди. Ишга қабул қилинган олти киши ғайрат билан меҳнат қилиб, кўнгилдагидек натижаларга эришдилар. Тадбиркор қарзидан ўз вақтида қутилди. Туман меҳнат биржаси унинг янги кредит ҳақидаги илтимосига ишонч билан ёндошди. Ажратилган 4 миллион сўм янги иш бошлашга, яъни тикувчилик цехи очишга имкон туғдирди. Энди Ҳ.Ҳайдарова ишга ўзининг 20 нафар ҳамқишлоғини таклиф этди. Улар учун энг янги «Пфафф Зингер»лар сотиб олинди. Ҳар куни янги корхонада катталар ва болалар учун кийимлар тикилмоқда. Маҳсулот харидорлар орасида катта эътибор қозонмоқда.

Ҳ.Ҳайдарова каби ишбилармонларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли туман меҳнат биржаси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини муваффақият билан ҳал қилмоқда. Ўтган йили туман маркази ва қишлоқларда 1100 дан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилди.

ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛДИ

Янги асрдаги илк тўйлардан бири Бухоро шаҳридаги Муҳаммадиевлар оилавий меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди. Тўққиз нафар ота-онасиз болани ўз қарамоғига олиб, оқ ювиб, оқ тараётган Роҳила опа Муҳаммадиева кенжатойи Акмалжоннинг суннат тўйини ўтказди.

— Бу тўйни ўтказишни анчадан буён ният қилардим, - дейди Роҳила опа «Туркистон-пресс» мухбирига. - Савоб ишга бош қўшган «Бухорогўшт», «Шохруд», «Бухоронон» ҳиссадорлик жамиятига оиламиз аъзолари номидан миннатдорчилик билдираман.

Тўй куни янги тўн кийган Акмалжон ўз қувончини акалари ва тенгқурлари билан баҳам кўрди.

ГАЗНИНГ ТАФТИ БЎЛАКЧА

Янги аср арафасида Конимех туманидаги «Сарибел», «Конимех», «Чордара» ширкат хўжаликлари ва туман марказидаги хонадонларга табиий газ ўтказилган эди. Мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланадиган ушбу йил бошида эса «Шўркўл» ширкат хўжалиги аҳолиси ҳам табиий газдан баҳраманд бўлди. Ҳозирга қадар «Янгиобод», «Мамиқчи», «Кўҳнаобод» қишлоқларига 20 километр газ қувури тортилди. Қарийб 300 хонадон табиий газдан фойдалана бошлади.

Бундай савобли ишни Навоий вилоят газлаштириш идорасининг хўжалик ҳисобидаги қурилиш участкаси, «Ўзгазмонтаж» трести-нинг 2-кўчма механизациялашган жамланмаси ҳамда «Навоий» жамоа корхонаси қурувчилари амалга оширди. Туманда қисқа вақт ичида 100 миллион сўмлик газлаштириш ишлари бажарилди.

(ЎзА)

Фарғона вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида ўтган йили болаларни бепул соғломлаштириш, болалар боғчаяслилари тарбияланувчиларини бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп болали, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда кўплаб ҳайрли тадбирлар амалга оширилди.

Сарҳисоб

АЁЛЛАР

енгил шароитларга ўтказилди

Жумладан, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 4768 нафар онага иш берувчилар томонидан 12 миллион сўмдан ортиқ нафақа тўланди. Тармоқдаги 82 та корхона, хўжалик, ташкилотларда 798 нафар аёлга ҳомиладорликнинг 7 эмас, балки 5 ойидан бошлаб ҳақ тўланадиган таътил бериш жорий этилди.

Кўп болали, кам таъминланган оилаларга кўрсатилган моддий ёрдам қарийб 21 миллион сўмни ташкил қилди.

Тармоқ тасарруфидаги 22 та болалар оромгоҳида 145 минг нафар меҳнаткаш фарзандлари дам олдирилди. Бунинг учун хўжаликлар ҳисобидан 55 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Деярли барча йўлланмалар бепул берилди.

Бундай илиқ сўзларни вилоят Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитасига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Масалан, тизимда 2670 аёлдан 600 нафари ноқулай иш шароитида ишлар эди. Улардан 320 нафари енгил иш шароитларига ўтказилди. «Деларос» қўшма корхонасида эса аёллардан 50 нафарига қулай иш шароитлари яратилди. «Қўқонқурилишашёлари» ҳиссадорлик жамиятида ҳам 36 нафар аёлни тунги сменадан кундузги ишга ўтказишга эришилди.

Жойларда касаба уюшма қўмиталари қошида ёшлар ва аёллар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Амалдаги йил учун тузилган режада айниқса, ишловчи аёлларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида бандлар ажратилгани эътирофга лойиқдир. Жумладан, ишсиз аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, касаба уюшма ташкилотларининг фуқаролар йиғинлари, бандлик муассасалари билан ҳамкорлигини кучайтириш кўзда тутилган.Хусусан, ёлғиз оналар меҳнат таътилига 2 кундан 7 кунгача қўшиб берилади. Аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам бепул. Янги оила қурганлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан кам бўлмаган миқдорда ёрдам бериш, нафақага чиқаётганларга иш стажларига қараб бир ойликдан 4 ойлик ўртача маошгача миқдорда моддий ёрдам берилади.

Соғлиғи ва оилавий шароитларини яхшилаш бўйича мурожаат қилган ишловчи аёлларга корхона ҳисобидан ёрдам кўрсатилади.

Хуллас, Оналар ва болалар йилида амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар кўп. Уларни ўз муддатида ва беками-кўст бажарилишини таъминлаш мақсадида доимий назорат ўрнатилади.

А.ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Урганч шаҳрида «Ҳидоят» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли даволаш ва соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатяпти. У туш пайтидан то ярим оқшомгача гавжум бўлади. Бу ерда айниқса ёшларни кўплаб учратиш мумкин.

Марказ юз ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда шартнома асосида ишчи-хизматчилар ишдан ажралмаган ҳолда ўз соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин. Хизмат харажатларининг асосий қисмини жойлардаги касаба уюшмалари ўз зиммаларига олган.

— Бу йилги маъмурият билан тузган жамоа шартномамизга кўра — аъзоларимиз учун даволаниш бепул қилиб белгиланди, — дейди марказ касаба уюшма гуруҳи раиси Наташа Матрасулова, Бошқа ташкилотлардан келган оналар ва болалар учун ҳам имтиёзлар мавжуд.

Сиҳатгоҳда замонавий физиотерапия билан бир қаторда жисмоний тарбия ёрдамида даволаш усуллари, бассейн, теннис корти ва овқатланиш учун бар хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Марказ касаба уюшма гуруҳи аъзолари 17 нафар кишидан иборат бўлиб, даволаш ва соғломлаштириш ишларига бош шифокор М. Худойберганова бош-қош.

Хуллас, марказ хизматидан урганчликлар, айниқса оналар ва болалар мамнун.

Э.ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИЛАР

Ҳуқуқий демократик жамият сари илдам бораётган мамлакатимизда фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдек долзарб вазифаларни амалга оширишда касаба уюшмалари фаоллик кўрсатишаётир. «Иргидромаш» заводида бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Мазкур корхона Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, унда ирригация ва мелиорация эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жамоа мунтазам йиллик режаларини бажариб келмоқда. Сабаби — ишчи-хизматчилар учун зарур бўлган барча қулайликлар яратилган. Дарҳақиқат, ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ислоҳотлар жараёнининг асосини ташкил этади. Айни пайтда корхонада 500 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Улардан 130 нафари аёллардир. Бу эса ўз навбатида, оналар ва болалар йилида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасидан уларга янада эътиборни кучайтиришни талаб этади.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Суратда: (ўнгдан) корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Зиёд Ҳакимов цех бошлиғи Олимжон Ваҳобов билан амалга оширилган ишлар юзасидан фикрлашмоқда.

ҲАМ ЎҚИБ, ҲАМ ДАВОЛАНИШДИ

Жиззах шаҳрида вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналари - ширкат, жамоа, фермер хўжаликлари раҳбарларининг бир ҳафталик семинар-мунозара ўқуви бўлиб ўтди.Унда қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарининг аҳволи, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби масалалар ўрганилди.

Ўқув жараёнида тингловчилар кўзга кўринган олимлар ва тажрибали мутахассисларининг мазкур соҳани ривожлантириш муаммоларига бағишланган маърузаларини тингладилар.

Хўжалик раҳбарлари ўқув дастуридан ўрин олган хўжалик юритишни ташкил этиш, кадрлар билан ишлаш ва уларни тўғри танлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, сурункали зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш каби масалалар муҳокамасида фаол қатнашдилар. Қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарида бизнес, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, молия ва солиқ муносабатлари каби масалаларга тўлақонли жавоб берилди.

Семинар-ўқуви вилоят шифохонасида ўтказилгани айни муддао бўлди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ҳафта давомида малакали шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтдилар, уларга зарур бўлган муолажалар кўрсатилди.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Бекорчидан Худо безор

Кутилмаганда хаво айниб, ёмғир ёға бошлади. Кўчаларда бир зумда қатнов сийраклашди. Аммо ёмғирга парво қилмай хиёбон оралаб келаётган икки кимса ён-атрофга олазарак боқади. Аҳён-аҳёнда итларнинг хуриши, ўткинчи машиналарнинг мотор товуши эшитилади. Бунёд Жабборов шериги Евгений Миллерга савол назари билан қаради.

ДАЙДИ

— Келади, роса авраганман, - деди Бунёд қатъий оҳангда.

— Ишқилиб овимиз бароридан келсин-да, акс ҳолда пулсиз қийналиб қоламиз, - фикрини ифодалади шериги.

Орадан ярим соат ўтгач соч-соқоли ўсган ўсмир кўринди. У ҳеч қаерда ишламайдиган, кўча-кўйда дайдиб «насиба» ахтаришга одатланган Эдуард Абдураззоқов эди. Учовлон жамулжам бўлгач, шум ниятларини амалга оширишга киришишди. Халқобод қўрғонида яшовчи Мўминовлар хонадонига сездирмай кириб, товуқхона томон юришди. Кўз очиб юмгунча фурсат ўтмай олтита товуқ, саккизта ўрдакни қопга жойлаб, жуфтакни ростлаб қолишди. Қарангки, ўғриларни ҳеч ким сезмади. Улар ўлжани 22 минг сўмга пуллаб, ширин ҳаётни бошлаб юборишди. Муайян вақт кайфу сафо қилишди. Пуллари тугагач энди кимнинг мулкига кўз олайтириш ҳақида кенгашишди.

— Хотиржам бўлинг, ҳаммасини ўйлаб қўйганман, -дея мақтанди Евгений. — Оби-ҳаёт кўчасидан ўтган кабелларни ўмарамиз. Мис дегани тайёр пул.

Шундай қилишди ҳам. Ярим кечада 64 минг сўмлик сим гумдон бўлди. Бу ҳам етмаганидек йўл-йўлакай 9-касб-ҳунар билим юрти ҳовлисида турган автомобилнинг аккумуляторини ҳам шилиб олишди.

Илм масканларини халқимиз муқаддас даргоҳ деб атайди. Тадбиркорлар, имкони бор саховатпешалар мактаблар, билим юртларини жиҳозлашга баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётган бир пайтда виждони жиғилдонга айланган, диёнатни унутган уч инсофсиз ўқувчилар учун энг зарур бўлган мулкка чанг солишдан тап тортмадилар.

Бироқ, кўза кунида синади, деганларидек, тунги дайдилар — ашаддий ўғриларнинг қилмишлари охир-оқибат фош бўлди. Улар ўзларини суднинг қора курсисида кўрдилар. Адолатли ҳукм чиқарилди. Тўғри йўлдан адашган, гулдек ёшликни хазон қилган уч оғайни энди кўзига ёш олиб, тавба-тазарру қилишарди. Аммо энди фойдасиз. Жиноятга жазо муқаррар.

Хўш, ўғри болаларнинг ота-оналари қай кўйга тушишди? Улар виждонан қийналишаяптими? Суд жараёнида улар тайинли гап айтишолмади. Нима ҳам дейишсин? Ахир улар фарзандлари дайди, безори бўлиб кетганлигини, пулга ружу қўйганлигини наҳотки сезишмаган бўлишса?! Нима сабабдан вақтида фарзанд тарбияси билан жиддий шуғулланишмади? Ўғиллари баъзида ҳафталаб уйга келмай қўйганда ҳам хотиржам яшашди. Уларнинг лоқайдлиги, бепарволиги ўзларига ҳам, жамиятга ҳам қимматга тушди.

Яхшики, сўнгги йилларда Янгийўл туманида ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишлари анчайин намунали йўлга қўйилди. Жиноятларнинг олдини олишга қаратилган аниқ тадбирлар амалга оширилиши ўзининг кутилган самарасини бермоқда.

— Уйидан мунтазам чиқиб кетадиган, бетайин ҳаёт кечирадиган ёшлардан 42 нафари ҳисобга олинган, - дейди туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш назорат бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Салим Норхўжаев. — Эндиликда улар доимий назоратда. Якка тартибдаги суҳбатлар, маҳалла фаоллари билан олиб борилаётган тарбиявий-ташкилий ишлар натижасида қатор ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топиб олишди. Бахтга қарши шундай ота-оналар борки, улар ўзларининг ножўя хатти-ҳаракатлари билан бола тарбиясига салбий таъсир ўтказадилар. Шундайлардан қарийб 30 кишини биламиз. Кўплашиб уларни инсофга чақириш, ичкилик йўлидан қайтаришга астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Маълум бўлишича, бўлинмада ўтган йили 418 та турли хилдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича огоҳлантиришлар берилди. Шундан 203 таси жамоат тартиби бузилишига тўғри келади. Ходимлар 56 та мактабда мунтазам равишда суҳбатлар ўтказдилар. «Сиз қонунни биласизми?», «Бизнинг маҳалла» мавзуидаги кечалар, савол-жавобларнинг фойдаси катта бўлди. Бироқ бу муҳим ишни доимий, изчил равишда олиб бориш лозим.

Т.ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!

Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимиз ғалаба қўшиннинг сони билан эмас, балки жангчининг мардлиги, ирода ва матонати, жанговар маҳорати билан қўлга киритилади, деган ҳикматни доимо ёдда тутишлари даркор.

Ислом КАРИМОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларига 1992 йил 14 январда асос солинди.

1993 йил 29 декабрда ҳар йили 14 январни Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Тошкентда Умумқўшин, Чирчиқ Танкчилар ва Самарқанд Автомобил билим юртлари кўп ихтисосли ўқув муассасаларига айлантирилди. Жиззахда олий ҳарбий Авиация билим юрти ташкил этилди.

Қуролли Кучларнинг Бош штаби Қуролли Кучлари Бирлашган штабига айлантирилди.

ЖАСУР АКАМ ХОТИРАСИГА

Сариосиё ва Узун туманларида Истиқлол душманларига қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган сирдарёлик катта лейтенант Алишер Салимов руҳини шод этиб, маҳалладош синглиси Иродахон унга бағишлаб шеър битибди.

Фарзандлари жасур, ботир,
Элимда кўп мард ўғлон.
Юрт ҳимоясига қодир,
Алпқомат зўр паҳлавон.
Душманларни қилди яксон,
Алишердек мардларинг,
Кўкрагини қилди қалқон,
Алишердек мардларинг,
Ғамдан боши эгилган,
Қалби кемтик оналар...
Ватан учун тўкилган
Қондан унгай лолалар.
Ғаним, сенга лаънатим,
Нафратларим сўнмайди.
Шаҳид кетган акаларим,
Юрагимда — ўлмайди.

Ирода НОРМАТОВА,
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг 9 «А» синф ўқувчиси.

Аскар онасининг мактуби

ЭЛ ЎҒЛОНИ БЎЛГИН!

Салом, ўғлим Бахтиёр! Соғлиқ-саломатлигинг яхшими? Командирларинг, сафдошларинг ҳам соғомонми? Дилбандим, мана, эл корига яраб, тенгдошларинг қатори йигитлик бурчингни бажаришга киришганингга ҳам бир оз вақт бўлди. Ҳарбий ҳаётга кўникиб кетганингни хатларинг орқали ўқиб, билиб турибмиз. Ҳарбий-ҳаво қўшинларида хизмат қилаётганингдан барчамиз, айниқса, отанг жуда ҳам хурсанд.

Ўғлим, сенга кўп бора айтганман, яна такрорлайман: Ватан барча нарсадан улуғ, муқаддас. Уни ҳақиқий эр йигитлар қўриқлайди. Сен бобонг сингари шижоатли, довюрак бўлгин! Болажоним, биздан ҳеч ташвиш чекма, бобонг, бувинг, опа-акаларинг, укаларинг соғу саломат юришибди. Сенга қизғин салом йўллашяпти. Барчаларингга мустаҳкам соғлиқ, хизматларингизда муваффақият, зафарлар ёр бўлсин! Осмонимиз доимо мусаффо, юртимиз тинч бўлишини Яратгандан сўрайман, деб онанг

Замирахон ҲАМИДОВА,
Андижон шаҳри.

Дил изҳори

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

Она — дунёни тебратади, эр йигит эса элу юртини бало-қазолардан асрайди, дейишади. Зеро, академик шоиримиз айтганидек: «Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ». Барча машаққат, қийинчилик дамларида уларга таянамиз.

Бизнинг ҳарбий қурувчилар қисмимизда ҳам ўзининг шижоати, довюраклиги, меҳнатсеварлиги билан эътибор қозонаётган ҳарбийлар талайгина. Уларни барча ҳурмат қилади, эъзозлайди.

Биз, бир гуруҳ аёллар Ватанимиз равнақи йўлида ҳалол хизмат қилаётган подполковник В.Гулҳасанов, майорлар — Ш.Ражабов, С.Ҳамроев, М.Айсариев, А.Аловуддинов, С.Собиржонов, капитан Э.Мурсаловларни ана шундай инсонлар сирасига киритамиз. Фурсатдан фойдаланиб, уларга сиҳат-саломатлик, ғоят масъулиятли ишларида омад тилаб қоламиз.

Д.АЙНАЕВА.

ЭРТАМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Инсон учун тинчлик, осойишталикдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ватан сарҳадлари, элимиз хотиржамлигини эса фарзандларимиз — довюрак ўғлонлар қўриқлайдилар. Она Ватанга хизмат қилиш — муқаддас бурч. Мустақил Ўзбекистонимизнинг Қуролли Кучлари сафида бўлиш шарафдир.

Мен ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз юртига меҳр-муҳаббатли, содиқ, жасур ва шижоатли бўлишини орзу қиламан. Бундай ёшларимиз кўплигидан бошим осмонга етади. Ўзбекистонимизнинг эртанги куни ишончли қўлларда эканлигига имоним комил.

Ўғлим — Анваржон Неъматов шундай фахрли касб эгаси бўлиб, элимиз тинч-тотувлиги йўлида хизмат қилаётганидан доимо фахрланаман. Унга, сафдошларига, қўл остидаги офицер ва аскарларга Ватан равнақи йўлидаги фидойи ишларида ривож, барчалари доимо соғ-саломат бўлишларини тилайман.

Эргашбобо НЕЪМАТОВ,
Ғиждувон туманидаги «Пахтаобод» ширкат хўжалиги.

ОНА ЮРТНИНГ УМИДИ СЕНДАН

(Боши 1-бетда).

Ана шундай бўлган тақдирда республика туманларидаги тиббиёт ходимлари бу ишдан озод қилиниб, ҳам аҳоли, газетхонлар ёзганлари каби, қийинчиликка дуч келмайди, ҳам маблағ тежаб қолинади.

Ислоҳ қилиниши кун тартибида турган яна бир неча масалалар ҳам борки, уларни муваффақиятли ҳал этиш умумий ишимизда катта самара беради.

Ҳозир бизда мажбурий ҳарбий хизматга 27 ёшгача чақирилади. Бу — шўролар даврининг қотиб қолган низомларидаги кўрсатмалардан бири. Биз ҳарбийга чақирув ёшининг чегарасини 25 ёшгача деб белгилаш, бундан ташқари, икки нафар фарзанди бўлган шахсларни, то улар 27 ёшга тўлгунларигача кечиктирув бериб ўтирмай, хизматдан бир йўла озод этиш ҳақида ҳам таклиф киритяпмиз. Бу давлатимиз олға сураётган инсонпарварлик тамойилларига ҳам тўла мос келади.

— Республикамизда мунтазам, доимий равишда фаолият кўрсатадиган (профессионал) армияга ўтиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга Сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик...

— Бу — кун тартибидаги ниҳоятда муҳим, долзарб масала. Профессионал армия — шак-шубҳасиз, ҳар қайси давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи, мавқеини белгилайди. Лекин республикамиз Қуролли Кучларига келсак, менинг шахсий фикрим шуки, бу нарсани шошмай, босқичма-босқич амалга ошириш лозим. Асосий сабабларидан бири — маблағ масаласи, зотан мунтазам фаолият кўрсатадиган, яъни шартнома асосида хизмат қиладиган кўп минг сонли жангчиларга ҳозиргидан анча кўп миқдорда маош тўланиши керак бўлади. Бу ўринда давлатимиз иқтисодий жиҳатдан энди қувватга кириб келаётганини назарда тутмоқ лозим.

Иккинчи бир томони ҳам бор. Хизмат муддати тугагач, собиқ жангчилар фуқаролик жамиятида нима иш билан машғул бўлишади? Мабодо, уларнинг жисмоний куч-қуввати, маҳорати, тезкорлиги келгусида айтайлик, ҳуқуқ-тартибот, ички ишлар, божхона, солиқ идоралари каби тизимларда талаб қилиб қолинса, ушбу соҳаларда ишлашлари кафолатланса, масаланинг муҳим бир томони ҳал этилган бўлардди.

Учинчидан, халқимизнинг одатлари, расм-русуми, бошқача айтадиган бўлсак, менталитети ҳам ҳисобга олинмасдан иложи йўқ, зотан профессионал армия жангчиси бу бизнинг жамиятимиз учун бутунлай янги тушунча. Ота-оналарнинг онгида, руҳиятида шартнома асосидаги ҳарбий хизмат ҳам бошқа ўнлаб оддий касблар каби ҳаётий зарурат эканлиги ҳақидаги ўй-фикр, тасаввурларнинг шаклланиши учун ҳам бироз муддат керак, деган фикрдаман.

Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда мен профессионал армияга тажриба тариқасида ҳар хил муддатларда ўтиш лозим дейман.

— Яна бир неча ойлардан сўнг янги асрнинг, янги минг йилликнинг илк чақируви бошланади. XXI асрнинг қалдирғоч чақирилувчиларига қандай сўзлар билан мурожаат қилган бўлур эдингиз?

— «Ватан хизматига доимо шай бўл, йигит! Элимизнинг, юртимизнинг, қанча қийинчиликлар билан қўлга киритган истиқлолимизнинг сендан умиди катта. Шу умидга, шу юксак ишончга муносиб бўл!» - деган бўлардим...

ИНТИЗОМЛИ АСКАР ЕНГАДИ

Кичик сержант Маҳмуд Муҳаммаджоновни «Умумҳарбий Низомлар»ни ўқиб ўтирган ҳолатда учратдим. Мени кўриши билан сакраб ўрнидан турди ва ўзини таништирди.

— Кичик сержант Муҳаммаджонов!

— Нималар билан бандсиз, ўртоқ кичик сержант?

— Бугун наряд қабул қилиб оламиз, ўртоқ майор. Тайёргарлик кўраяпман. Низом қоидаларини яна бир кўздан кечириб чиқаяпман.

Такрорлаш — яхши нарса. Билган нарсангни ҳам яна бир бора такрорласанг, зарар қилмайсан. Билиб турибман, кичик сержант Маҳмуд Муҳаммаджонов биринчи марта нарядга бораётгани йўқ ва «Умумҳарбий Низомлар»ни ҳам биринчи марта ўқиётган эмас. Бу ҳолат ҳар сафар жанговар вазифани бажариш олдидан такрорланади. Ўз вазифангни пухта билсанг, Низом қоидаларини яхши эгаллаган бўлсанг, топшириқни аъло бажарасанда!

— Бу бизда одат тусига айланган, - дея гапида давом этди Маҳмуд. - Бўлинмамиз посбонлари оддий аскарлар — Аловуддин Қўчқоров, Обиджон Остонов, Бахтиёр Қаюмов, Мансур Муродовлар командир ва бошлиқларимиздан фақат илиқ гаплар эшитиб келишмоқда. Бунинг боиси нимада? Мен интизомда деб биламан. Интизом ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, албатта. Қатъий интизомни жорий этиш учун, энг аввало, ана шу интизомнинг ўзи нима эканлигини яхши тушуниб олиш зарур.

Кун тартибига риоя қилиш — интизом.

Низом қоидаларини пухта билиш — интизом.

Барча машғулотларни аъло даражада ўзлаштириш — интизом.

Жанговар топшириқни талаб даражасида бажариш — интизом.

Кичик сержантнинг айтган гаплари мени беҳад қувонтирди. Демак у ва унинг сафдошлари ҳақиқий аскарларча ҳаётни бошидан кечиришмоқда. Бундай жангчилар Қуролли Кучларимизнинг асосини ташкил этади.

Қатъий хулоса шу: интизомли аскар енгади.

Майор А.ОБРЎЕВ.

«ВАТАНПАРВАР» - ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашида спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантиришнинг ўтган йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Уни Марказий Кенгаш раиси, полковник А.Абдуқаҳҳоров бошқарди.

Анжуманда ўтган давр мобайнида бу борада муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Спортнинг ана шу турлари билан ҳозирда мамлакатимизда юз мингдан зиёд ёшлар шуғулланмоқда.

Анжуман сўнгида «Ватанпарвар» ташкилоти: спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари кеча, бугун ва эртага» музейи очилди, Марказий Кенгаш ҳузурида фаолият кўрсатувчи «Матбуот клуби»нинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

АЛЛОМАЛАР ДЕЙДИЛАРКИ

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.

А.Навоий.

* * *

Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади.

Г.Гегель.

* * *

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

Ж.Байрон.

«Жасорат» медали соҳиблари

ТЕРРОРЧИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Наманган вилояти ҳокимлигида Чирчиқ олий Танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Иқбол Нишонов ва унинг ота-оналари кабул килиндилар. Иқболнинг онаси Кимёхон Нишонова Давлатобод туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси. Падари бузруквори Мамашариф ака эса Наманган дорилфунунининг кафедра мудири, профессор. Туғилиб ўсган жонажон шаҳрига таътилга келган йигит Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани тоғликларида ўрнашиб олмоқчи бўлган боскинчи террорчиларни тутатишда жасорат кўрсатди ва ушбу мардлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Жасорат» медали билан такдирланди. Душман билан юзма-юз тўқнашувда И.Нишонов елкаси ва ўнг кўлининг билагидан ярадор бўлиб, тўрт ой даволанишига тўғри келди.

— Иқбол биринчи синфдан яхши ўқиди, - дейди ўғли ҳақида суҳбатлашиб ўтирарканмиз йигитнинг отаси Мамашариф ака. - Айниқса, аниқ фанларга қизиқиши катта эди. Лекин ўнинчи синфни тугаллаётганида ҳарбий бўлмоқчи эканлигини айтди. Ҳаммамиз танг қолдик. Бунинг устига мудофаа ишлари бўлими билан келишиб қўйганлигини, аллақачон Чирчиқдаги олий Танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ариза топширганлигини ҳам маълум қилди. Фарзандимиз ҳақиқий йигит сифатида ўз келажагини ўзи белгилаб қўйганлигидан хурсанд бўлдик.

Вақт югурик, бамисоли оқиб турган дарё. Ҳаш-паш дегунча Иқболжоннинг ўқишга кирганлигига ҳам тўртинчи йил етиб келди. У тўртинчи боскични тугалласа, мустақил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари танкчи офицери деган шарафли унвонга эга бўлади ва халқ осойишталигини қўриқловчи армиянинг энг қудратли қанотида хизмат қилади.

Аммо ҳаёт синовлардан иборат эканлигини кўплар билишмайди. Жумладан, Иқболжон ҳам офицер унвонини олишдан илгари ўзини ана шундай имтиҳон кутаётганлигини, севикли Ватан учун қон тўкажагини хаёлига келтирмасди...

Одатдагидек, 2000 йилнинг 20 август куни билим юрти шахсий таркиби эрталабки йўқлов учун саф тортди. Лекин негадир билим юрти бошлиғи биринчи, иккинчи ва учинчи курс тингловчиларига машғулотларни давом эттиришлари учун рухсат бериб юборди. Иқболжонлар ўқиётган тўртинчи боскич тингловчиларига тоғ шароитида машғулотлар ўтказиш учун тезкорлик билан ҳозирлик кўриш юзасидан буйруқ янгради. Кўп ўтмасдан йигитлар ҳарбий-транспорт самолётида осмонга кўтарилишди. Тегишли жойда ерга қўнгач, Бўстонлик тумани тоғликларига ўрнашиб олмоқчи бўлган 15 кишилик халқаро террорчиларга қарши курашиш учун сафарбар этилганликларини билишди.

Командирларнинг огоҳлантиришича, террорчилар тиш-тирноғигача қуролланган ва узоқ муддат тайёргарликдан ўтишган. Энг хавфли томони — бизнинг миллий армиямиз кийимларини кийишган бўлиб, одамни чалғитиб қўйишлари мумкин эди.

20 нафар бўлажак офицер биринчи соатларданоқ ўта муҳим бу топшириқни бажаришга киришдилар. Бир неча кун давомида боскинчилар бор дея гумон қилинган 20 км.тоғ ён-бағирлари, жарликлар, унгурлар, чакалакзорлар ва қияликларни командирлари раҳбарлигида қадам-бақадам қараб чиқишди. Бу иш кеча-ю кундуз тўхтовсиз равишда давом этди.

— Ёвузларни таъқиб эта бошлаганлигимизнинг саккизинчи куни эди, - дея эслайди Иқболжон. - Шоша-пиша оёқ устида нонушта қилиб, яна қидирувни давом эттирдик. Тушликка яқин ҳориганлигимиз пича сезилди. Командирнинг буйруғига кўра, қисқа муддат дам олиш учун тўхтадик. Шу маҳал шерикларимиздан бири тоғ дарёсида ювинаётган соқолли одамни имлаб кўрсатди. Қарангки, террорчилар манзил тутган жойга келиб қолган эканмиз. Қидирувни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан олиб борганлигимиз учун душман яқинлашганлигимизни сезмай қолган. Биз ҳалиги боскинчини ёлғиз деб ўйлаб, аста бориб қўлга тушириш режасини тузаётганимизда ногоҳ автоматдан шиғалаб отилган ўқ товуши янгради. Қарасак, биз тарафга Россия армияси кийимидаги жангчи қочиб келаётган эди (қўшни мамлакатда икки чегарачини боскинчилар асир қилиб олиб кетишганлигини эшитгандик). Асир жангчи террорчиларни таъқиб қилаётганлигимизни пайқаб, биз томонга қочибди. Шу тариқа икки ўртада қизғин отишма бошланиб кетди. Биз ўқ узиш билан бирга душманга тобора яқинлашиб борардик. Бир маҳал қарасам, бутун юз-кўзини соқол босган, аммо миллий армиямиз кийимидаги душман дарахтлар орасидан аланглаб чиқиб келяпти. Ўртамиздаги масофа ўн беш қадам келиб-келмасди. Мен очиқ майдонда эдим. Юзма-юз тўқнащдик. Мен эгчиллик қилиб тепкини олдинроқ босдим. Ҳалиги серсоқолнинг танаси кесилган дарахтдек қулаганлигини пайқадим. Аммо террорчи ҳам автомати тепкисини босишга улгурган экан...

Сафдошлари Иқболжон душманни қулатганлигини, лекин ўзи ҳам оғир ярадор ҳолда йиқилганлигини кўришди. Бироқ душманнинг шериклари ярадор йиқилган жойга ўқни ёмғирдек ёғдириб, анча фурсат бошқаларни яқинлаштирмасдан туришди. Жанг майдонига ёрдамга етиб келган вертолёт душманнинг асосий кучини яксон этганидан кейингина йигитга кўмак бериш имкони туғилди. Самарқандлик курсдоши Фарҳод Қаҳҳоров биринчи бўлиб ярадор дўстининг бошини ўз қучоғига олди...

Бўстонлик тумани ҳудудининг тоғ ён-бағридаги ушбу жангда билим юрти курсантлари ёрдамида боскинчи тўданинг саккиз нафар аъзоси яксон қилинди.

Ўнг қўли ва елкасидан оғир яраланган Иқболжон деярли тўрт ой ҳарбий госпиталда даволанди. «Жасорат» медали билан мукофотланганлигидан ҳам ўша ерда хабардор бўлди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Саҳифа «Ишонч» ва «Ватанпарвар» газеталари журналистлари ҳамкорлигида тайёрланди.

Муаммо ечимини кутади

СПОРТ ЙЎРИҚЧИСИ

штати қачон тикланади?

Энг оммавий жамоат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларни соғломлаштириш йўлида жамоаларда жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига эришишдир. Бу борада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

— Вилоят касаба уюшмалари кенгаши спортсоғломлаштириш масаласига катта эътибор қаратиб келмоқда, — дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси муовини Ғуломжон Тошмирзаев. — Хусусан, кенгаш томонидан Вазирлар Маҳкамаси ва республика касаба уюшмалари Федерацияси III қурултойининг бу борадаги қарорларини бажариш мақсадида 1999-2005 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда ушбу йўналишдаги тадбирлар босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда.

Дарҳақиқат, шу каби саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ кейинги йилларда вилоят касаба уюшма спортида бирмунча ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётир. Масалан, ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмалари тасарруфидаги 509 та жисмоний тарбия жамоаларининг аъзолари 119558 нафарни ташкил этмоқда. Ваҳолонки, ушбу кўрсаткич 1998 йили 21982 тага кам эди. Ёки турли спорт секцияларида шуғулланувчилар сони ҳам кейинги икки йил мобайнида бир қадар ошганлигини кузатиш мумкин. Бу муваффақиятларга вилоят касаба уюшмалари барча тармоқ қўмиталари ходимлари ўртасида турли мусобақа ҳамда спартакиадаларнинг анъанавий тарзда ўтказилаётганлиги замин бўлмоқда, дейиш мумкин. Зотан, ушбу беллашувлар меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ўртасида спорт оммавийлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Дарвоқе, наманганликлар касаба уюшмаларининг турли тармоқ ходимлари ўртасидаги республика мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Чунончи, ўтган йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган қурилиш ходимларининг республика якуний босқич мусобақаларида вилоят касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси вакиллари зафар қучдилар. Шунингдек, агросаноат ва савдо ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари жамоалари ҳам мамлакат миқёсидаги спартакиадаларда совриндорлар сафидан жой олишди.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари қарамоғида 4 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бўлиб, уларда 1069 нафар ўғил-қиз спорт сирларини ўрганаётир. Қувонарлиси, ёш спортчиларнинг ютуқлари ҳам мақтовга арзигулик. Ўтган йили 1-БЎСМ велопойгачи ҳамда оғир атлетикачилари Наманган ва Зарафшон шаҳарларида ташкиллаштирилган мамлакат биринчиликларида, 3-БЎСМ футболчилари эса Жиззахда бўлиб ўтган беллашувларда фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Айниқса, 4-БЎСМ тарбияланувчиси каратэчи Бобур Юнусовнинг миллий терма жамоа таркибида Венгрияда ўтказилган Жаҳон кубоги баҳсларидаги муваффақиятли иштироки барчани хушнуд этди.

Ҳа, чиндан ҳам ғалабалар, ютуқлар тўғрисида сўз очиш ўзгача завқшавқ бахш этади кишига. Бироқ вилоят касаба уюшма спортининг бугунги ривожидан тўла қониқиш ҳосил қилиш мумкинми? Бундан-да яхшироқ натижаларни қўлга киритиш учун жойларда мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиляптими?

— Афсуски, бунга ижобий жавоб бера олмаймиз. Чунки ҳали вилоят касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти котибияти бу борадаги ишларни ривожлантиришда ҳақиқий марказга айланганича йўқ, — дейди Ғ.Тожимирзаев. — БЎСМлар мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёшларимиз орасидан нафақат мамлакат, балки қитъа, жаҳон миқёсидаги мусобақалар иштирокчиларини тарбиялаш масаласида оқсамоқда. 3 та олий ўқув юрти, ўнлаб ўрта махсус билим даргоҳлари ва касб-ҳунар коллежларида спорт секциялари, тўгараклар иши талаб даражасида эмас. Яна бир муаммо шуки, айрим ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари, касабақўм раислари соҳа ривожида бош ролни ўйнайдиган спорт йўриқчиси штатини тиклаш масаласига ҳали-ҳануз панжа орасидан қарамоқдалар. Бу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш янги тузилажак жамоа шартномаларида ўз ифодасини топаётгани ҳам бежиз эмас.

О.ОБИДЖОНОВ.

Саломатлик нафақат инсонларнинг, балки жамиятнинг катта бойлигидир, — дейди Юқори Чирчиқ тумани шошилинч тез ёрдам маркази ҳамшираси Донохон Хусанова. — Марказимиздаги 5 нафар тажрибали ҳакимлар ва 40 нафар ҳамшираларнинг ниятимиз халқимиз ҳамиша соғ бўлсин.

Байналмилал қўрғонида яқиндагина иш бошлаган ушбу марказда беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида тажрибали шифокорлар ўз вақтида ташхис қўйиб, тезда даволашга киришадилар. Бу ерда беморлар етти кунгача даволаниб, сўнгра бўлимларга ўтказилади.

Суратларда: 1.Тажрибали ҳамширалар Доно Ҳусанова ва Мавлуда Гулматовалар. 2. Шошилинч тиббий ёрдам маркази.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи олдидан кўҳна Термиз ва унинг атрофини ободонлаштириш ишлари қизғин тус олмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан эски шаҳар ёдгорликлари ёнидаги лимонзор хўжалиги ўрнида «Термизнинг 2500 йиллиги» номидаги боғдорчилик ширкат хўжалиги ташкил этилиб, боғ-роғлар яратиш ишлари бошлаб юборилди. Амударё соҳилида жойлашган мазкур хўжалик далаларида анжир, анор, ўрик, хурмо, лимон ва бошқа субтропик ноз-неъматлар етиштириладиган боғ бунёд этилмоқда.

РАИСЛАР КЎЧАТ ЎТҚАЗИШДИ

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг қисқа муддатли ўқув курсини тамомлаган жамоа ва ширкат хўжаликлари раислари ушбу хўжаликнинг бўлажак боғ майдонига хурмо дарахти кўчатларини ўтқазишди.

(ЎзА)

Донолар бисотидан

ЎН НАСИҲАТ

Маънавият — инсон қалбини ёритувчи нур. Устозлар эса ана шу нурнинг посбонлари, чироқчиларидир. Улар ўз илм тафаккурлари билан шогирдлари қалбига чироқ ёқадилар. Шунинг учун ҳам шогирд камолида устозлар тафаккури, донолиги акс этиб туради. Жаҳонни куч ва адолат билан забт этган Искандари Сонийнинг буюклиги ва енгилмас қудратида ҳам унинг устозлари Арасту ва Афлотуннинг ақлу камоли, кенг тафаккури акс-ланиб туради.

Улуғлар ҳаётини ўқимоқ ва ўрганмоқ эса инсонни адолат йўлига бошлайди, қаддини кўтариб, қадрини оширишга хизмат қилади. Зеро, донолар сўзи ақлнинг кўзидир.

Азиз муштарийлар, улуғ мутафаккир олим — Шарқда биринчи муаллим номи билан машҳур бўлган Арасту ўз шогирди Искандар Зулқарнайнга қандай насиҳатлар қилганини биласизми? Йўқса, эшитинг. Ўйлаймизки, бу доно сўзлар Сиз азизларнинг ҳам ҳаёт йўлларингизни чироқ мисол ёритиб, яхшиликларга етаклагай.

БИРИНЧИ НАСИҲАТ

Биринчи будирким, меъдангда таом,
То ҳазм бўлмасдан бариси тамом.
Устидан ҳеч нарса ема зиёндир,
Ранжу ғам юз берур, озори жондир.
Овқатинг бўлса гар енгилу латиф,
Мижозинг ҳеч қачон бўлмагай заиф.

ИККИНЧИ НАСИҲАТ

Иккинчи будирким, қаттиқдир емиш,
Ундан зиён топар ҳам меъда, ҳам тиш.
Ўзингни тий, ема эмасдир жоиз,
Ҳазми учун ахир меъдангдир ожиз.
Ундан томир тортар, танда ташвишинг,
Оғритиб жон олар ҳам оғриқ тишинг.

УЧИНЧИ НАСИҲАТ

Учинчи будирким, ҳар хил дорига,
Ружу қилмагину, сабр эт борига.
Касалдан қўрқма-ю, ғам ема ҳеч вақт,
Баданинг дорига қилмасин одат.
Одат қилса агар бу ёмон иллат,
На фақат иллатдир, балки зўр зиллат.

ТЎРТИНЧИ НАСИҲАТ

Тўртинчи, сақлагил баданда қонинг,
Чунки қон баданда эрур посбонинг.
Ҳаётнинг асоси, моясидир қон,
Беҳуда чиқарма тандан ҳеч қачон.
Баданда бўлмаса қон каби дўстинг,
Сарғайиб сўлажак нотавон пўстинг.

БЕШИНЧИ НАСИҲАТ

Бешинчи пандимни айтайин сенга,
Диққат қил, қулоқ сол, эй оқил менга.
Балғам пайдо бўлса, қайт қилгил албат,
Кеч қолма, ғайрат қил, фойдадир ҳар вақт.
Агар балғам танда айласа ватан,
Уни кучайтирма у хавфли душман.
Балғамки баданга иморат қилур,
Танангни емирур ва ғорат қилур.

ОЛТИНЧИ НАСИҲАТ

Олтинчи, пешобинг келгани замон,
Қайтарма, касаллик қилғуси аён.
Кимки пешобини тутибди узоқ,
Буйрак касалига қўйибди тузоқ.
Буйракда гар пайдо бўлса бирор тош,
Бундан оғир иллат кўрмаган ҳеч бош.

ЕТТИНЧИ НАСИҲАТ

Еттинчи пандимга энди қулоқ сол,
Дил билан эшит-у яхши ёдлаб ол.
Ҳожатга борганда таҳорат айла
Ва буни доимо сен одат айла.
Сафолик бўлса гар сен учун одат,
Кўнглинг равшан бўлур, дил топар роҳат.

САККИЗИНЧИ НАСИҲАТ

Саккизинчи будир, менга диққат қил,
Ҳаммомга боришни тез-тез одат қил.
Иссиқ сувда ювин то бошдан-оёқ,
Хўп терла, то тананг бўлгунча юмшоқ.
Мулойим бўлгунча ҳаммомда бадан,
Оқибат куч билан тўлғусидир тан.
Тер билан дардларинг адош бўлғувси,
Соғлигинг бир умр йўлдош бўлғувси.

ТЎҚҚИЗИНЧИ НАСИҲАТ

Тўққизинчи будир: умринг аро ҳеч,
Эрк берма шаҳватга сен эрта-ю кеч.
Эрк берсанг ҳаётинг тўзон бўлғуси,
Куч кетиб, қад гўё камон бўлғуси.
Ожизлик юз берса, айласанг даво,
Даводан юз берар айни муддао.

ЎНИНЧИ НАСИҲАТ

Ўнинчи, қария бўлса ҳар аёл,
Йигитсан, етмоқни айлама хаёл.
Оҳанрабо каби тортганда бироқ,
Эй йигит, иложинг қолмагани чоқ.
Суҳбатига кирсанг агар бирор йўл,
Сўнг ундан қочгилу абад узоқ бўл.

* * *

Сен ҳар кун ўқисанг «Ўн насиҳат»ни,
Қўлдан бермагайсан ҳеч вақт сиҳатни.
Яхшилар ипга дур териб кетибди,
Соғ бўл деб, қўлингга бериб кетибди.

Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида «Алла» ижрочиларининг Ў анъанавий республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

«АЛЛА» ҒОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Алла» ижрочиларининг навбатдаги танлови ўз якунига етди. Танловнинг сўнгги кунида театр ўзига хос байрам тусини олди. Республикамизнинг турли бурчакларидан бу ерга ташриф буюрган турлича наволар — Қорақалпоқ ўлани, Фарғона оҳанги, Хоразм мақоми ва бошқа ўзига хос наволар бир тану бир жонга айландилар. Зеро, уларнинг мақсади ҳам, тилаклари ҳам эзгуликни тараннум этиши билан якдил эдилар. Бу якдил овознинг жўрлиги Яратгандан фақат Она-Ватанга содиқ, солиҳ фарзандни сўрайди.

— Қадимий ва ўлмас аллалар ижроси билан шуғулланаётган санъаткорларимиз эъзозга лойиқдир, - деди танлов комиссияси раиси, санъатшунослик фанлари доктори Рустам Абдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Мана шу қутлуғ даргоҳда уч кун мобайнида янграган алла оҳанглари томошабинларни ўз сеҳри билан мафтун этди. Халқимиз орасида жуда қадимий аллаларимизнинг яшаб келаётгани бизни беҳад шод этди. Бу ерга ташриф буюрган ижрочиларимизнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос, гўзал аллаларни ижро этдиларки, уларнинг ҳаммасини ғолиб дегинг келади.

Республика маданият вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Шлоссер-Усто Хандель ва продукцион» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳомийлигида ўтказилган танловда Фарғона вилояти ижодкорлари олий ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар. Ғолиблар махсус диплом ва лауреатлик нишонини қўлга киритдилар. Танлов ҳайъати аъзолари томонидан танловнинг энг ёш ва энг кекса иштирокчилари ҳамда энг қадимий алла, энг яхши дастур учун ҳам махсус совринлар тақдим этилди. Ғолиб ва совриндорларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Республикамиздаги қадимий архитектура ёдгорликларида чизиқсиз сиртлар ҳам учрайди. Биноларидаги баъзи қуббалар цероконус ва бошқача кўринишга эга бўлиб, улар чизиқсиз сиртлардир.

ЁДГОРЛИКЛАРГА ЗЕБ БЕРИБ

Самарқанд меъморчилик ёдгорликлари ўз силиндрик доираларига таяниб, муқарнаслар билан безатилган баланд сферик қуббалари, архитектура шаклларининг катталиги, ўлчамларининг улканлиги билан ажралиб туради. Бибихоним масжидининг гумбази ана шундай қурилиш ишларининг намунаси ҳисобланади.

Бибихоним масжиди ҳақида манбаларда: «Унинг гумбази, агар осмон гумбази бўлмаганда яккаю ягона бўлур эди, арки ҳам агар Сомон йўли бўлмаганда яккаю ягона бўлиб қоларди» деб ёзиб қолдирилган.

Самарқанддаги Шоҳизинда, Ҳазрати Хизр масжиди, Шердор ҳамда Тиллакори мадрасаларида ҳам кўплаб гумбазлар ишлатилган. Гўри Амир мақбарасидаги устунда улуғвор гумбаз бўлиб, у бошқа гумбазлардан анчагина фарқ қилади.

XIV-XV асрларда бинокорликда икки қаватли (ички ва ташқи) қуббалар ясала бошлаган. Булар Ширинбека оқа, Туман оқа, Гўри Амир ва бошқа мақбара ҳамда мадрасаларда учрайди.

Гумбазли бинолар билан бир қаторда, миноралар ҳам тарихий ёдгорликларга зеб бериб турибди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

НАВОИЙХОНЛИК КЕЧАСИ

Тошкент вилоятининг Паркент тумани маданият саройида Навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

— Буюк бобомиз Алишер Навоий бугун ҳам биз билан бирга, у маънавий раҳнамомиз сифатида ёрқин юлдуз каби порлаб турган даҳодир, - деди туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Унинг бой адабий мероси бундан кейин ҳам шеърият ихлосмандларини ўзига ром этаверади.

— Навоий ҳақида гапириш унинг асарларини ўқимаган киши учун осон бўлса бордир, лекин шоирнинг икки сатрини ўқиб мағзини чақишга уринган одам бу буюк зот тўғрисида бир сўз айтишга эҳтиёт бўлади. Чунки у Навоийдан кейин дунёда айтилмаган гап қолмагандек тасаввурга боради, - деди кечада сўзга чиққан навоийшунос олим Султонмурод Олимов. - «Ипак қуртичалик қувватинг йўқму?!» - деган сатр ёки: «Ҳунарни асрабон неткумдур, охир, Олиб туфроққаму кеттумдур, охир!» деган мисралар мустақил давлатини мустаҳкамлаётган, порлоқ истиқболни кўзлаётган, фаровон турмуш барпо этиб, авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришга интилаётган халқ учун бугуннинг гапи бўлиб жарангласа — не ажаб!

Кечада мамлакатимизнинг таниқли ижодкорлари Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғафуров, Ойдин Ҳожиева, Шарифа Салимова ва бошқалар сўзга чиқиб, буюк бобокалонимиз ижодий мероси ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Тадбирни Республика Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими, Паркент тумани ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорликда ўтказди.

Ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Насиба Сатторова ҳамда Ўктам Аҳмедов каби таниқли санъаткорларимиз ўзларининг жозибали куй ва қўшиқлари билан тадбирга байрамона руҳ бағишладилар.

УМРИНИНГ МАЗМУНИ - БОЛА КУЛГУСИ

2001 йил — Оналар ва болалар йили

лавҳа

...Тун. Атроф жим-жит. Равшан Ғаффоров берилиб китоб мутолаа қиларди. Бехосдан телефон жиринглади.

— Ҳа, эшитаман.

Ҳалиги одам Равшан акани овозини эшитиб ўзида йўқ шод бўлиб кетди. Ундан зудлик билан уйига етиб келишини илтимос қилиб, олти ойлик фарзандининг аҳволи оғирлашганини айтди.

Р.Ғаффоров «Тез ёрдам» машинасига ўтирмасданоқ, ҳайдовчига борар манзилни тушунтирди. Машина тунги Термиз кўчалари бўйлаб ғизиллаганча жўнаб кетди.

Шифокор йўл-йўлакай беморнинг аҳволини кўз олдига келтирди. Назарида гўдакнинг кўзларини очишга мадори йўқ, ранглари ўзгарган, лаб ва қовоқлари қоғоздек оқарган... Ҳакимнинг тахминлари тўғри чиқди. Гўдакнинг аҳволи ҳақиқатан ҳам хавотирли эди.

— Анемия, янглишмасам ампициллин уколини олгансизлар. Унинг таъсирида ички без касаллиги пайдо бўлган. Тезда шифохонага олиб кетамиз. Акс ҳолда кеч бўлади, — дея ҳеч қандай изоҳга ҳожат қолдирмади доктор.

Шифохонада бемор обдон текширилди. Касаллик худди Равшан ака ташҳис қўйганидек бўлиб чиқди. Керакли ёрдам кўрсатилиб, орадан бирор соат чамаси вақт ўтгандан сўнг болакайнинг томир уриши мўътадиллашди, лабларига қизиллик югурди.

Бу Термиз шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли болалар шифохонаси реанимация бўлими шифокори Равшан Ғаффоров ҳаётидан бир лавҳа, холос. У ўз фаолиятининг 30 йилини реанимация бўлимида ишлаб ўтказди. Бошқа бўлимларда даволашнинг иложи бўлмаган беморлар, унинг беғараз ёрдами туфайли чеҳраларида кулги билан ота-оналари бағрига қайтишади.

— Бўлимимизга аҳволи анча оғир беморлар келтирилади, — дейди у. — Оллоҳга шукурким, ўз фаолиятим давомида ҳеч кимдан эътироз эшитмадим. Юзлаб болажонларга қайта ҳаёт бағишлаб, оналарнинг қувончига шерик бўлиб келаяпман. К. Абдурасулов деган йигиттчани етти марта клиник ўлимдан олиб қолганмиз. Ибрагим Каримов эса 47 кун беҳуш аҳволда ётди. Кўп шифокорлар, қариндошлари ҳам ундан умидларини узиб қўйишганди. Аммо уни ҳаётга қайтариш чорасини топа олдик...

Равшан акани баъзан уйидан тунда ҳам вилоятнинг Узун, Сариосиё, Олтинсой, Шўрчи каби туманларига олиб кетишади. У ҳеч қачон зорланмайди, мақсади эса битта: болажонлар соғ бўлса, онажонларнинг кўнгли кўтарилса бас.

— Равшан ака икки нафар фарзандимга қайта ҳаёт, оиламизга туганмас бахт ато қилган меҳри дарё инсондир. Бу кишида «бургутнинг кўзи, аёлнинг қўли, шернинг юраги бор», — дейди Термиз аэропорти ишчиси Зиёвуддин Зайниддинов.

Равшан ака узоқ йиллик фаолияти давомида юзлаб шогирдлар тайёрлади. Уларнинг бари, жумладан Бойсоат Чориев, Ёқуб Тўраев, Самад Менглиев, Аваз Қаҳҳоровлар ҳам устозларидек болажон ҳакимлардир.

Юртимизда самарали меҳнат доимо эъзозланиб келган. Шу боис Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрами муносабати билан шифокор Р.Ғаффоровга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган «Соғлиқни сақлаш ходими»» унвони берилгани бежиз эмас.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 23.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6